

Фақиҳлик нишонаси



14:58 / 27.01.2022 1982

Абу Яқзон Аммор ибн Ёсир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг шундай деганларини эшитганман: «Кишининг намози узун, хутбаси қисқа бўлиши унинг фақиҳлигидан нишонадир. Намозни узун қилинглар, хутбани эса қисқа қилинглар».

Имом Муслим ривояти.

Намоз ва хутбанинг «иқтисодли» бўлиши жуда ҳам узун ёки жуда ҳам қисқа бўлиб кетмаслигидир. Мўъжаз ва ўртача бўлишидир. Пайғамбаримиз соллalloҳу алайҳи васалламнинг намоз ва хутбалари ана шундоқ бўлган.

Пайғамбаримиз соллalloҳу алайҳи васалламнинг бу ишлари у зотнинг саҳобаи киромларига яхши ўрнак бўлган. Саҳобаи киромлар ҳам ҳабиблари

Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламга ўхшатиб намоз ўқиб, хутба қилишга ҳаракат қилганлар.

Абу Воил розияллоҳу анҳунинг ривоят қилишларича, ўша Муҳаммад алайҳиссалом мадрасаларини битириб чиқувчилардан бирлари, улуғ саҳобий Аммор ибн Ясир бир хутба қилибдилар. У кишининг балоғатли хутбаларидан баҳраманд бўлган Абу Воил ва унинг шериклари ҳазрати Аммор розияллоҳу анҳуга кунялари билан, «Эй Абу Яқизон!» деб мурожаат қилиб «Балоғатли хутбангни қисқа қилиб қўйдинг, узунроқ қилсанг, кўпроқ баҳраманд бўлар эдик», дедилар. Шунда Аммор ибн Ясир розияллоҳу анҳу бу ишни ўзларича қилмаганликларини, балки Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига эргашиб қисқа қилганларини айтибдилар.

Манба: arabic.uz